

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 14 (1193) 2019 йил 4 апрель

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



## Самарали ўтган халқаро форум



### Статистика по итогам 2018 года

- Капитализация иностранных инвестиций составляет 13,6% от ВВП страны (средний мировой показатель - 11,7%), объем выданных облигаций - 195 млрд. сум или 0,05% от ВВП (средний мировой показатель - 1,54%);
- Объем рынка облигаций в Узбекистане 0,02 млрд. долл. в Казахстане 43 млрд. долл., в России 297 млрд. долл.;

### Основные проблемы

- Низкая ликвидность рынка с обилием сделок, отсутствием знаний в специфичной области и активными инвесторами;
- Большая доля государственной собственности в акционерных обществах;
- Низкое качество корпоративного управления, непрозрачная отчетность;
- Многочисленность государственных органов и дублирование полномочий;
- Отсутствие института независимых директоров и членов совета директоров;
- Слабая практика защиты прав акционеров;
- Отсутствие институциональных инвесторов

Яқинда пойтахтимизда Халқаро молия-банк форуми бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 21 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ молия мутахассислари, халқаро молия ташкилотлари, рейтинг агентликлари, банк, сугурта ва қайта сугурта ташкилотлари, лизинг компаниялари, аудиторлик фирмалари, инвестицион компаниялар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, МДХ Молия-банк Кенгаши, "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги ҳамда бир қатор маҳаллий тижорат банклари ва сугурта компаниялари кўмағида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Жамшид Қўчқоров, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котиби Сергей Лебедев ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Алкис Дракинослар сўз олиб, юртимизда молия соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раиси Мамаризо Нурмуратов сўзга чиқиб, мазкур форум иштирокчиларга бугунги глобал молия бозоридаги аҳвол ва келгуси истиқболдаги режаларни муҳокама қилиш ҳамда тажрибалар алмашиш имконини беради, дея таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бугунги кунда Халқ банки Тошкент шаҳридаги филиалларида миллий ва хорижий валюталарни нақд кўринишда ечиш имкониятини берувчи 18 та банкомат ўрнатган.

## Замонавий банкомат ишга тушди



Эътиборлиси, ушбу банкоматларнинг 7 таси 24/7 режимида, яъни куну тун миқозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Яқинда банкнинг Учтепа филиалида яна 2 та замонавий "24/7 электрон офис"лар куриб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг бири филиал маъмурий биноси қошида иккинчиси эса Ўрикзор бозори ҳудудида ташкил этилди.

Энди ушбу электрон офислар ёрдамида фуқароларимиз коммунал тўловлар, кредитларни сўндириш, картадан-картага ўтказмалар қилиш, пластик картадаги маблағларни чекловларсиз нақдлаштириш каби 30дан ортиқ турли хизматларидан ҳафтасига етти кун, кечаю кундуз фойдаланишлари мумкин.

Маълумот учун айтиш лозимки, Халқ банки Тошкент шаҳар филиали томонидан жорий йил давомида яна 6 та шундай кечаю кундуз ишлайдиган электрон офисларни ташкил этиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, ушбу офисларни асосан аҳоли гавжум, банк филиалари йўқ жойларга ўрнатиш режалаштирилган. Бу эса миқозларга қўшимча қулайликлар яратилишини таъминлайди.

Саҳифа finance.uz материаллари асосида тайёрланди.

## УШБУ СОНДА

РОССИЯЛИК  
КСЕНИЯ ЮДАЕВА  
ТАЛАБАЛАРГА МАЪРУЗА  
ЎҚИДИ

2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ТАШҚИ ҚАРЗИ  
ҚАНЧА?



7

АРСЛОН  
ИЗИДАН,  
ЙИГИТ  
СЎЗИДАН...



8

## Самарали ўтган халқаро форум



(Бошлаганиши 1-саҳифада)

Шунингдек, у бугунги кунда банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ўзгаришлар, айниқса, замонавий банк хизматларини жорий этиш, тўлов тизимларини ривожлантириш ҳамда рақамли банк тизимига ўтиш бўйича қилинаётган ишлар ҳамда келгуси режалар ҳақида тўхталиб ўтди. Айниқса, рақамли банк тизимига ўтиш борасида тижорат банклари томонидан сезиларли ишлар қилинаётгани ва бу соф рақобат муҳитини шакллантираётгани қайд этилди.

Шунингдек, тадбир давомида Россия Федерацияси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Ксения Юдаева бугунги глобалла-

шув жараёнида молия соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини, бундай форумларни кўпроқ ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Форум доирасида банк ва кредит фаолияти, капитал бозори, инвестициялаш, суғурта ва қайта суғурта, лизинг йўналишлари бўйича муҳокамалар ҳамда молия секторининг замонавий йўналишлари ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Шу билан бирга мамлакатимиз ва дунё молия-банк секторининг замонавий ҳолати ҳамда унинг истиқболлари, рақамли технологиялар жадал ривожланиши шароитида молия соҳасининг ривожланиш

трендлари, хорижий мамлакатлар молия-банк институтлари билан ҳамкорлик қилиш, айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

Форумда халқаро экспертларнинг илғор тажрибалари билан ўртоқлашиш ҳамда алоҳида соҳалар ва молия бозорининг турли секторлари вакиллари ўртасида юзма-юз музокаралар бўлиб ўтди.

Мазкур форумда Халқаро молия-банк, XI Тошкент суғурта ва қайта суғурта ҳамда VIII Халқаро лизинг йўналишлари бўйича турли анжуманлар ташкил этилиб, кўплаб манфаатли келишувлар имзоланди.



## Россиялик Ксения Юдаева талабаларга маъруза ўқиди

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида кўплаб сазй-ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, яқинда республика олий ўқув юртлири талабалари учун эълон қилинган махсус стипендия ва амалиёт ўташ танловига мувофиқ, ўтказилган 3 босқичли танлов натижаларига кўра, 320 нафар талабгор орасидан 40 нафар талаба Марказий банк стипендиясига муносиб деб топилди ва улар тўрт ой давомида Марказий банкнинг фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлди.



- Иногда,
- 2. Между
- Систем:
- Централ
- денгги,
- стандар



Айни дамда мазкур талабалар Марказий банк фаолияти ва асосий вазифаларини тўлиқ тушуниб этиш учун Марказий банкнинг турли департаментларида амалиёт ўтамоқдалар.

Шу билан бирга банк томонидан ёш кадрларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида халқаро тажрибаларга эга бўлган молия-банк соҳаси мутахассисларини ўқув жараёнида жалб қилиш одат тусига айланмоқда.

Жумладан, МДХнинг ётакчи молия институтлари вакиллари иштирокидаги МДХга аъзо мамлакатлар Халқаро молия-банк форуми доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Марказий банки раиси биринчи ўринбосари Ксения Юдаева иштирокида “Россия Марказий банкининг пул-кредит сийсати: инфляцион таргетлаш режими га ўтиш ҳамда унинг ташқи ва ички хатарларга жавоб реакцияси” мавзусидаги маърузаси ташкил этилди. Бундан мақсад эса Марказий банкда амалиёт ўтаётган талаба-стипендиатлар ва иқтисодий йўналишдаги бошқа олий ўқув юртлири талабалари, шунингдек, пул-кредит сийсати соҳасидаги ёш мутахассисларнинг билимларини оширишдан иборат эди. Хусусан, мазкур маъруза ҳам бугунги кунда Марказий банкнинг муҳим йўналишларидан бири – инфляцион таргетлаш режимига ўтишининг

аҳамияти ва бунда Россиянинг муваффақиятли тажрибасини ўрганишга қаратилгани иштирокчилар учун фойдали бўлди.

Марказий банк ходимлари, олий ўқув юртлири талабалари ва илмий-тадқиқот институти вакиллари иштирок этган учрашувда россиялик мутахассис инфляцион таргетлаш режимининг мазмун-моҳияти ва Россия Федерацияси Марказий банкининг бу борада олиб бораётган узи га хос иш услуби ҳақида сузлаб берди.

Маърузада таъкидланганидек, бугунги кунда дунёда инфляцион таргетлаш режимига ўтаётган мамлакатлар сони жадал ўсиб бормоқда, бу эса мазкур режимнинг давлатлар иқтисодиёти учун нақадар самарали эканидан далолат беради.

Қизиқарли ўтган ўқув-семинар давомида талабалар Ксения Юдаева билан очик мулоқотга киришиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдидилар.

– Ксения Юдаева билан ташкил этилган бугунги учрашув биз учун низохтада фойдали бўлди, – дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистри Мухриддин Йўлибоев. – Чунки Россия Федерацияси жаҳонда иқтисодий салоҳияти борасида ўз нуфузига эга мамлакат ҳисобланади. Шу боис, уларнинг банк тизимидаги тажрибаларни ўрганиш биз учун ҳам муҳимдир.

Бугунги ахборот технологияларини жадал ривожлантириш шароитида банкларнинг дастурий-техник таъминоти га қўйиладиган талаблар тобора ошиб бормоқда.

## Савдо соҳасига хорижий инвестициялар жалб этилмоқда

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу давр талаблари ҳисобга олинган ҳолда Mastercard, Visa, UnionPay International ва JCB каби халқаро тўлов тизимлари пластик карталарини муомалгага чиқариш ҳамда улар асосидаги хизматларни сифатли ташкил этиш мақсадида муассаса IT-инфраструктурасини модернизация қилиш ишлари бошланди.

Бу борада шерик сифатида нақдсиз ҳисоб-китоблар соҳасида автотоматлаштирилган тизимни барпо этиш бўйича Бельгиянинг ётакчи халқаро компанияларидан бири “OpenWay Group” танланди.

“OpenWay Group” компанияси билан ҳамкорлик Банкка ўз банк платформасини такомиллаштириш, унинг ишончлилиги, хавфсизлиги, тезкорлиги ва унумдорлигини ошириш имконини беради. Мижозларига эса банк хизматларидан исталган жойда ва исталган вақтда фойдаланишга кўмаклашади.

“OpenWay Group” компаниясининг кўп йиллик тажрибаси республиканинг бошқа процессинг марказлари ва банклари ўртасида банклараро свитчингни ташкил этиш имконини беради.

WAY4 ечимини остидаги хизматлар базасида банкка ва банк процессинг марказида хизмат кўрсатилаётган банк-ҳамкорларига контактсиз тўлов, виртуал карта, халқаро кредит карта ва тўловни узайтириб тўлақ картасини чиқариш, 3D Secure асосида электрон тижорат каби янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш имконини берувчи лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга банк томонидан савдо соҳасини молиялаш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, яқинда “Ўзсаноатқурилишбанк” ва Жанубий Корея Республикасининг “Шинхун Банк” ўртасидаги савдони молиялаштириш бўйича 60 млн. АҚШ долларига тенг базавий битим имзоланди.

Мазкур линия “Ўзсаноатқурилишбанк” га Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан технологик ускуналар ва хизматлар импортига доир лойиҳаларни молиялаштиришда ўз ресурс базасини кенгайтириш ҳамда унинг чет эл бозоридаги мавқеини яхшилаш имконини беради.

Шунингдек, мижозларга хизматлар кўрсатиш имкониятини кенгайтириш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” хорижий молия-кредит муассасалари, шу жумладан, Россия Федерацияси тижорат банклари билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга интилоқда. Жумладан, “АК БАРС Банк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” ўртасида Рамбурс мажбуриятини қўйиш тўғрисида ҳамда Савдони молиялаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг савдони молиялаштириш соҳасидаги имкониятларини кенгайтиради. Юртимизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида янги иш ўринлари ташкил этилади, экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо алоқалари такомиллашади. Бир суз билан айтганда, томонлар ўртасидаги келишув мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Пойтахтимизда 27-31 март кунлари Халқаро молия ва банк форуми бўлиб ўтди. Мазкур Форум доирасида бир қатор халқаро конференциялар, банк ва кредит, инвестицион фаолият, суғурта, қайта суғурталаш, лизинг, фонд бозори ва қимматли қозғалар бозори соҳаларида тақдимотлар ўтказилди.


## “Йилнинг энг яхши суғурта компанияси”

Форум суғурта бозорининг бошқа иштирокчилари билан фикр алмашиш, хорижий тажрибани ўрганиш, манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам замин яратди. Форумда “Ўзагросуғурта” АЖ ходимлари ҳам иштирок этиб, компаниянинг Қайта суғурталаш ва халқаро муносабатлар департаменти бош менежери Миролим Турғунбаев қишлоқ ҳужалиги қалтиликларини суғурталаш мавзусида тақдимот қилди.

Шунингдек, форум доирасида “Олтин Соябон” суғурта соҳасида давлат мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур жамоатчилик мукофоти суғурта соҳасининг ривожланишига, унинг ролинини оширишга ва оммалаштиришга қаратилган мукофот ҳисобланади. Бу йилги натижаларга кўра, “Йилнинг энг яхши суғурта компанияси” номинациясида суғурта бозорига 22 йиллик тажрибага эга “Ўзагросуғурта” АЖ “Олтин Соябон” мукофотини кўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, компания шу йиллар давомида изчил ривожланиш йўлидан бориб, мамлакатимизда суғурта ишини иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айлантириш, аҳоли ўртасида суғурта маданиятини ошириш, мижозлар учун самарали суғурта хизматларини тақдиф этиш, илм-фаннинг энг илғор ғояларини ишлаб чиқариш жараёнида жорий этиш борасида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

## МАСОФАВИЙ ХИЗМАТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



2 апрель куни пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида “Асака банк” АТБ раҳбарияти иштирокида “Рақамли банк” инновацион технологияларга асосланган ҳолда “Асака” банкнинг трансформацияси, банк хизматлари оммабўлигини ошириш ва чакана хизматлар бозорига кириб бориш” мавзусида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда юртимизда иқтисодийнинг барча соҳаларида, жумладан, банк соҳасидаги мавжуд амалиётлар, яъни миқозларга хизмат кўрсатиш, банкнинг ички тузилмаси, шунингдек, кунлик амалиёт юритиш учун талаб этиладиган технологиялар сифати ҳолати дунё таърибаси асосида танқидий қўриб чиқилиб, интеллектуал ахборот технологиялари ютуқларига асосланган тизимларни жорий этиш талаб этилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда “Асака” банк ўзини стратегик ривожланиш сўбати асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва дунё таърибасига асосланган банк хизматларини ўз миқозларига тақдим этишни мақсад қилиб олган. Бу йўналишда инновацион технологиялар асосида банк амалиёти хизматларини қайта ташкил этиш режалаштирилган ва бу борада тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

– Давр талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларида жойлашган 16 та “24/7” авто-

матлаштирилган тўхтовсиз хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмати ташкил қилинди, – дейди АТ “Асака” банк Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи Умид Набиев. – Шунингдек, банк томонидан миқозлар учун ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда турли интерактив хизмат турлари ҳам жорий этилмоқда. Жумладан, “Корпоратив интернет банкинг”, “Asaka Mobile”, “Асака бизнес” каби қатор масофавий хизматлар шулар сирасидандир.

Жисмоний шахслар “Asaka Mobile” мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда Банкнинг исталган филиалларида халқаро “Мастер Кард” тўлов картасини очган ҳолда “он-лайн” режимида исталган вақтда конверсия қилиш, банк депозитларига маблағлар киритиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўйича тўловлар ўтказиш имкониятлари яратилган. Бугунги кунда ушбу хизмат тури имкониятларини кенгайтириш ва қўшимча қулайликлар жорий

қилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан “Asaka Mobile” иловасида мамлакатимизнинг барча банклари томонидан Uzcard тизимида эмиссия қилинган карталар билан фойдаланиш жорий қилинмоқда.

Бугунги кунда жисмоний шахсларга “Асака” банк томонидан яна бир қулайлик яратилган бўлиб, кредит (микрораз) ажратишни банк томонидан масофадан ўрганиш жараёни амалга оширилади. Бунда банкнинг интернет тармоғидаги “asakabank.uz” электрон адреси орқали миқоз томонидан маълумотлар етказилади ва бериш ёки рад этиш тўғрисидаги қабул қилинган қарор бўйича маълумот хабар берилди, шу билан кредит-бўрутманомаларини шаффофлик асосида рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш таъминланади.

Қолаверса, миқозларга қулайликлар яратиш мақсадида жорий йилда контакtsiz карталарни жорий қилиш, MasterCard Fraud management тизими, яъни тўловларни назорат қилиш, MasterCard 3D Secure хизматларини, яъни интернет тармоғида хафсиз тўловлар ўтказиш тизимини ҳам амалиётга татбиқ этиш режалаштирилган. Шу билан бирга UzCard ва HUMO тизимида ишлайдиган карталар орқали кредит бериш ҳам мўлжалланмоқда.

Бобур МУХАММАДИЕВ

## “Қишлоқ қурилиш банк” аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқотлар ўтказмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 22 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролинини оширишга доир устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Аҳоли ва тадбиркорларнинг банк хизматлари ҳақидаги молиявий саводхонлигини ошириш ана шундай муҳим вазифалар сирасига киради.

Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан мазкур вазифалар ижроси бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, унинг изчил ижроси таъминланмоқда. Хусусан, республика ҳудудларида банк филиаллари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказилмоқда.

2019 йилнинг февраль-март ойлари давомида Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида, Жиззах ва Бухоро шаҳарларида шундай тадбирлар ташкил қилинди. Уларда 1 100 дан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирларда давлатимиз раҳбари

ташаббуси билан Ўзбекистон банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг дастлабки самаралари ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, бу ислохотларга жамоатчиликнинг муносабати ва фикрлари ўрганилди.

Мулоқотларда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан кўрсатилаётган хизматлар, миқозларга яратилаётган қулайликлар ва келгусида татбиқ қилиниши режалаштирилган инновацион лойиҳалар ҳақида маълумот тақдим қилинди. Шунингдек, хорижий молия институтларининг маблағлари ҳисобидан инвестициявий лойиҳалар учун банк томонидан тақдим қилинаётган кредит линиялари ва уларнинг шартлари бўйича тушунти-

ришлар берилди.

Тадбирларда фуқаролар ва тадбиркорлар республика банк тизимида содир бўлаётган ўзгаришлардан мамнунлигини таъкидлаб, хизматлар сифатини янада ошириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан таклиф қилинаётган масофавий хизматлар, хусусан, “QOB-mobile”, “Depozit banking” мобил иловалари хизматлари, жозибали ва даромадли омонат турлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу туркумдаги тадбирларни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Соҳиба ОХУНЖОНОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

2019 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 626-7-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон “Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 240-сон (рўйхат рақами 626, 1999 йил 11 февраль) билан тасдиқланган Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-банди “и” кичик бандидаги “ва терроризмни” деган сўзлар, “терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси  
Тошкент ш.,  
2019 йил 16 февраль,  
3/11-сон

М. НУРМУРАТОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

2019 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 943-5-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон “Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 472-сон (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси  
Тошкент ш.,  
2019 йил 16 февраль,  
3/12-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2019 йил 16 февралдаги 3/12-сон қарорига  
ИЛОВА

## Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 31.1-банднинг иккинчи хатбошисидagi “ва терроризмни” деган сўзлар, “терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4.2-банднинг биринчи хатбошисидagi “, Марказий банк билан келишилган ҳолда” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Бугунги кунда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Турли каттаю кичик саноат зоналари ва технопаркларнинг барпо этилаётгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани Оқлон маҳалласида иш бошлаган “Оқлон” технология парки ҳам тадбиркорлар учун ана шундай кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 10 август кунини пойтахтимиз туманларидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш чоғида “Оқлон” технология паркни барпо этиш вазифасини қўйган эди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 7 ноябрда “Кўп тармоқли “Оқлон” технология паркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шу асосда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг инвестиция компанияси – “PSBCapital” МЧЖга технология паркни ташкил этиш учун 1,8 гектар ер ажратиб берилди. Компания томонидан эса қисқа фурсатда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шу кунларда технопарк фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур технопаркнинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви раиси Азиз Воитов ҳамда бир қатор маҳалла фаоллари ва тадбиркорлар иштирок этиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан танишишди.

Айни дамда мазкур технопаркда тўртта корхона иш бошлаб, мингдан ортиқ мазкур маҳалла аҳли иш билан таъминлангани бўлди.

Шаҳар ҳокими корхоналарнинг экспорт салоҳияти, маҳсулотлар сифати ҳамда тадбиркорларга қандай кўмак кераклиги билан қизиқди.

Шунингдек, у корхоналарнинг келгуси фаолиятига доир масалалар бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди.

Технопаркда иш бошлаган корхоналардан бири – турли хилдаги коптокларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўрта Осийда ягона “Overbridge” корхонасидир. Мазкур лойиҳа хитойлик инвесторлар ёрдамида амалга оширилиб, унинг умумий қиймати 45,0 млрд. сўм бўлиб, инвесторлар томонидан лойиҳа учун 3 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри йўналтирилган. Шу билан бирга лойиҳа учун ташаббускор маблағларидан ташқари хорижий инвестициялар ҳамда банк кредит маблағлари ҳам жалб қилинди. Корхона тўла қувватда ишга туша, йилига 875,0 минг дона копток ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва беш юздан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

– Ўзбекистонда бизнес бошлаганимиздан манмунимиз – дейди, Хитойнинг “Overbridge” компанияси менежери Чан Пин. – Чунки мамлакатимизда тадбиркорлар ва инвесторлар учун кенг имкониятлар берилмоқда. Мана шу лойиҳамизни амалга ошириш учун ҳам Тошкент шаҳар ҳокимияти ва “Ўзсаноатқурилишбанк” мутасаддилари кўп бора кўмак беришди. Бу эса қисқа фурсатда иш бошлашига имкон яратди. Хом ашё масаласида ҳам муаммоларимиз йўқ. Айни дамда хом ашёнинг 60



фоизи маҳаллий бўлса, 40 фоизи Хитойдан келтирилади. Келгусида маҳсулотимизни тўлиқ маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Инвесторнинг таъкидлашича, “Overbridge” компанияси 20 йилдан бўён жаҳонга ўзининг чарм тўпларини экспорт қилиб келади. Унинг сифати ҳар қандай брендлар билан рақобатлаша олгани бос, унинг ишлаб чиқариш салоҳияти йилдан йилга ўсиб бормоқда. Технопаркдаги янги корхона ҳам жорий йилнинг сентябрь ойидан Россия, Туркия ва араб мамлакатларига маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган. Қолаверса, 2022 йилги Қатарда бўлиб ўтадиган фут-

бол бўйича жаҳон чемпионати ҳам микрочипли коптоклар етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Технопаркдаги йирик лойиҳалардан яна бири 190 та иш ўрнига эга “Colmet engravo” корхонасидир. Бу ерда йилига 20,0 млрд. сўмлик рангли металлдан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ҳақда корхона раҳбари Файзулла Ҳамроев шундай дейди:

– Юртимизда хунармандларга берилаётган эътибор ва имтиёз сабаб, биз оилавий тадбиркорлигимизни кенгайтириб, Ўзбекистон Республикаси “Хунармандлар” уюшмасига аъзо бўлиб, кичик корхона сифатида рўйхатдан

ўтгандик. Буни қарангки, ясаган маҳсулотларимизга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, самовар, қандил ва турли эсдалик буюмларига хорижийларнинг қизиқиши баланд. Шу боис, Ўзсаноатқурилишбанк кўмағида мана шу технопаркда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилдик. Бунинг учун банкнинг 2,5 млн. доллар молиявий кўмағида хориждан замонавий асбоб-ускуналар олиб келинмоқда. Бу бизга маҳсулотлар турини янада кенгайтириш ҳамда рангли металлдан янгидан-янги буюмлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Технопаркдаги кейинги корхона санитар-гигиеник маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “Lider kosmetik” корхонаси бўлади. Уни барпо этиш, жиҳозлаш ва дастлабки хом ашё билан таъминлаш ишларига 35,0 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди. Шундан 2,5 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Хитой давлат тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан Туркиядан замонавий технологик жиҳозлар келтиришга жалб қилинди.

Шуни қайд этиш керакки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг инвестиция компанияси – “PSBCapital” МЧЖ томонидан мана шундай ўнлаб лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса яна юзлаб аҳоли иш билан таъминланади ва кўплаб корхоналар ишга тушади деганидир.

Б. ЙЎЛЧИЕВ

## Инвестиция марказлари ишончли йўлбошчига айланмоқда

“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури доирасида Ўзмиллийбанк маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўймоқда. Шу билан бирга Президентимизнинг бу борадаги топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзмиллийбанк инвестиция фаолиятини кўчатиришига йўналтирилган ўз “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқди.



Шундан келиб чиқиб, Наврўз байрами арафасида Ўзмиллийбанкнинг Чилонзор туманидаги “Саёҳат” филиали қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилиб, ишга туширилди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда тадбиркорлар учун Инвесторларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади. Эндигида филиалда тадбиркорларга “Ягона дарча” тамойили асосида банк мутахассислари бизнес-лойиҳа ишлаб чиқиш, лойиҳани техник жиҳатдан асослаш, молиялаштириш манабаларини аниқлашда ёрдам беришади.

– Бизнинг филиалда электрон навбат, “РЕСЕПШН” ва 24/7 қўлай офислар, юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида зоналар яратилган, – дейди Ўзмиллийбанк “Саёҳат” филиали бошқарувчиси Шердор Мамаосупов. – Бундан ташқари универсал менежерлик хизматлари ҳам жорий этилган. Унинг афзаллиги шундаки, мижоз бир

менежерга муурожаат қилади ва у банк операциялари бўйича мижозга барча керакли кўрсатмаларни тақдим этади. Қолаверса, филиалда Инвесторларни қўллаб-қувватлаш марказининг ҳам иш бошлагани тадбиркорлар учун айни мuddа бўлди.

Ўзмиллийбанк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлғининг биринчи ўринбосари Феруз Яхёвнинг сўзларига кўра, Марказ ўз бизнесини бошлаш ва тараққиёт этириш мақсадидаги барча тадбиркор ва инвесторлар учун ахборот тўплаш, таркибий ва бошқа инфратузилмаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, шу билан бирга уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, бундай Марказлар Ўзмиллийбанкнинг барча ҳудудий бўлиналари таркибидан ташкил этилган бўлиб, айни дамда улар томонидан чөл эллик инвесторларни жалб этиш бўйича

өзгизлари ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида янги Марказ фаолияти ва имкониятлари билан таништириш бўйича Марказий банк билан ҳамкорликда маҳаллий ва хорижий сармоядорлар учун семинар ташкил этилди.

– Қорақалпоғистон Республикасидаги тадбиркорлар билан учрашувда банкда мавжуд хорижий кредит линиялари ва Ўзмиллийбанк пул маблағларини олиш шартлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди, – дейди Ўзмиллийбанк инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази бўлими бошлғи Абдурашид Соҳибназаров. – Шунингдек, учрашув давомида тадбиркорларни қийнаб турган ва қизқитирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил ичида Ўзмиллийбанк ҳудудий бўлиналари ва филиаллари томонидан жами 196 та инвестиция лойиҳалари молиялаштирилган бўлиб, шулардан 23 таси хорижий валютадаги умумий қиймати 38 млн. АҚШ долларлик лойиҳалардир.

Ҳозирги вақтда Ўзмиллийбанк тадбиркорлик субъектларига Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Баден-Вюртемберг Ландесбанкни, Кореянинг Эксимбанки, Хитой давлатининг Тараққиёт банки, Туркиянинг Эксимбанки ва бошқа хорижий молия институтларининг кредит линияларини тақдиф этмоқда. Ушбу маблағлар Европа Иттифоқи, Корея Республикаси, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан технологик линиялар, махсус техникалар ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш учун йўналтирилиши мўлжалланган.

## 1 апрелдан кучга кирди

**Тадбиркорлик соҳасида:**

бир кунлик жўжаларни экспорт қилишга рухсат этилади;

тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва қонунийлиги устидан назорат қилиш Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил томонидан амалга оширилди;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вақилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

норуда Фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкасида геологик ўрганиш учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан ошмаган мuddатда берилади.

**Шунингдек, тадбиркорлардан қуйидаги ҳужжатларни олиш бўйича талаблар бекор қилинади:**

экспорт контракт рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

мол сўйишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси;

ер қаъри участкасида фойдаланишда бузилган ерлар қайта тикланганлиги ҳақида хулоса;

вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қиладиган тадбиркорлик субъектларининг савдо объектлари жойлашуви;

ерларнинг барча тоифаларида геологик-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа турдаги қидирув ишларини олиб боришга рухсатнома.

2019-2021 йилларда маҳсулотининг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарининг кредитларини тўлаш харажатлари Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тегишли тартибда қолланади.

“Ҳуқуқий ахборот” канали

“Ипак йўли” Европа Иттифоқи учун муҳим аҳамиятга эга лойиҳалардан бири саналади. Германия канцлери Ангела Меркелнинг Франция Президенти Эммануэль Макрон, ХХР Раиси Си Цзиньпин ҳамда Европа комиссияси раҳбари Жан-Клод Юнкер билан суҳбати айнан шундай баёнот билан бошланди.

## Меркель “Ипак йўли”да Европа фаол иштирок этишини маълум қилди



— Биз, европаликлар, мазкур лойиҳада фаол ўринни эгаллаш ва иштирок этиш ниятидамиз. — деди Меркель хоним ўз нутқида.

Аввалроқ маълум бўлганидек, Хитойга тегишли “Бир камар — бир йўл” инфратузилмавий лойиҳасини қўллаб-қувватлаган Европанинг илк давлатларидан бири Италиядир. “Бир камар — бир йўл” лойиҳаси орқали Хитой раҳбарияти мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бошқа мамлакатларга етказиш йўллари ягона транспорт тизимига йўналтиришни ўз ичига олади.

## Дунёнинг энг даромадли компанияси

Саудия Арабистонидаги Saudi Aramco нефть ишлаб чиқариш компанияси дунёнинг энг бадавлат компанияси сифатида эътироф этилди. Бу ҳақда Moody’s ва Fitch рейтинг агентлиги маълум қилди.

Компаниянинг 2018 йилдаги соф даромади 111,1 миллиард АҚШ доллари ташкил этди. Бу эса рейтингда иккинчи ўринда турган Американинг Apple корпорацияси даромади — 59,5 миллиард АҚШ доллари нисбатан икки баробар кўпдир. Учинчи ўринни 35,1 миллиард АҚШ доллари эга Samsung компанияси эгаллади.

Saudi Aramconing молиявий кўрсаткичлари 1988 йилда асос солинганидан буён илк марта ошкор этилди.

Moody’s ва Fitch агентлиги Saudi Aramconing инвестициявий жозибadorлигини юқори баҳолади: иккала агентлик ком-



панияни инвестициявий шкалада бешинчи поғонага жойлади (“А1” ва “А+”).

Долларлик облигациялар савдоси ҳисобига компания 10 миллиард АҚШ долларлик маблағга эга бўлиш ниятида. Бу маблағларга маҳаллий нефть-кимё ишлаб чиқариш компанияси Saudi Basic Industries Corporation (SABIC)нинг 70 фоиз қимматбахо қоғозларини молиялаштиришни режалаштирган.

Европа 2018 йилда Россиянинг суюлтирилган газини Американинг нисбатан кўпроқ импорт қилишга эришди. Агар Россиядан қилинган соф импорт 4,4 миллион тонна ташкил этган бўлса, АҚШдан 2,7 миллион тонна маҳсулот импорт қилинди. Бу маълумотлар Суюлтирилган газ импортчиларининг халқаро уюшмасининг йиллик ҳисоботида келтирилди.

## Европа Россия газини маъқул деб топди



Европага энг кўп суюлтирилган газ етказиб берган давлатлар Қатар, Жазоир ва Нигерия ҳисобланади. Улар 2018 йилда 16,42 миллион, 9,29 миллион ва 9,07 миллион тонна суюлтирилган газ етказиб берган. Европага умумий ҳисобда бир йилда 48,9 миллион тонна суюлтирилган газ импорт қилинди. Бу эса 2017 йилдагига нисбатан 6 фоизга кўп кўрсаткичдир.

## ПЕКИННИНГ СИРЛИ ҚУРОЛИ: ХИТОЙ АҚШ ДАВЛАТ ҚАРЗИГА НИСБАТАН ЧЕГИРМА ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Пекин ва Вашингтон тез орада савдо урушига нуқта қўйиш ниятида. Шунга қарамай, АҚШнинг асосий кредитори ҳисобланмиш Хитой Америка давлат қарзидаги қўйилмалардан фаол тарзда воз кечишни кўзлаган. Дунёнинг энг йирик инвестициявий компанияси саналмиш Black Rock раҳбари Лоуренс Финкнинг фикрича, савдо можаросини тартибга солиш фақатгина ушбу жарабни жадаллаштиради.

### Ялли савдога старт берилди

Ўтган йилнинг якунида Хитой Марказий банки ҳисобда 1,12 триллион долларлик АҚШ давлат облигациялари мавжуд эди. Бу эса Америкага тегишли барча давлат қарзларининг 28 фоизига тенгдир.

Бошқа йирик кредиторлар сирасига Япония (1,03 триллион АҚШ доллари, 25,7 фоиз), Бразилия (303 миллиард АҚШ доллари 7,5 фоиз), Ирландия (280 миллиард АҚШ доллари, 7 фоиз), Буюк Британия (273 миллиард АҚШ доллари, 6,8 фоиз) давлатлари кирди.

Айни дамда мутахассислар сўнгги пайтларда Америка долларидagi инвестициялар қисқариб бораётганини маълум қилмоқда. Шундай қилиб, биргина ўтган йилнинг июнь ойида Япония газнахонасидаги облигациялар портфели сўнгги етти йил ичида илк марта кескин камайди.

### Жуда кеч...

Энг катта хавф Хитойдан келганди. 2013 йилдаёқ Пекиннинг қарзи 1,3 триллион АҚШ долларига етган. 2016 ва 2017 йилларда хитойликлар юзани мустаҳкамлаш мақсадида бу активларни қисқартиришга эришди. Бироқ тез ўтиб, бу ҳолат яна тикланди. Ўтган йили эса чегирмани қайта тиклашди. Шундай қилиб, сўнгги беш йил ичида 13,8 фоиз-



лик трейжерисдан кутулди.

Облигацияларнинг савдоси Вашингтонга ўсиб бораётган федерал харажатларни қоплаш, иқтисодийни рағбатлантириш ва паст фоиз ставкаларини ушлаб туриш имконини беради. Хитойда вазият биров ўзгача: газнадаги векселларни кўпайтириш юзанинг АҚШ долларига нисбатан қадрини туширади. Натижада Хитойдан қилинган экспорт америкаликларга ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан арзонга тушади.

Айни пайтда Хитой олдидаги молиявий қарамлики кучайтиради. Бу эса сўнгги ойлarda кузатилаётган қарама-қаршилиқларда яққол намоён бўлмоқда. Вашингтон билан юзага келган савдо уруши иккала давлатга ҳам миллиардлаб маблағларни йўқотишга олиб келмоқда. Пекин ҳам бир неча бор огоҳлантирган: агар вазият шундай давом этаверса,

Америка қарзини бутунлай сотишга тўғри келади. Айнан юзанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида шундай йўл тутишга тўғри келади.

Бугунги кунда Вашингтон Пекин билан икки томонлама келишув битимини тузиш арафасида, бироқ айрим мутахассислар айнан мазкур келишув ҳам Хитойнинг трейжерисдан воз кечишига олиб келмаслигини башорат қилган.

Black Rock инвестициявий компанияси раҳбари Лоуренс Финк маълум қилганидек, келишувнинг тўлиқ иш бѐрмаслигининг асосий сабаби унинг “мукаммал” тайѐрланмаганлигидадир. Мутахассиснинг таъкидлашча, Хитой Америка қарзини ўзаро савдода юзага келган профицит туфайли Америка қарзини тўплашга уринган. Агар Пекин савдо профицитини қисқартиришга рози бўлса, АҚШ давлат қарзи сифатидаги қўйилмалар учун маблағ ортади.

“Хитой Америка қарзини сотиб олишни қисқартиришда давом этади. АҚШ молия вазирлиги учун (бюджет тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда) салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Пировардида Хитой газначилиги мағлуб бўлиши мумкин”, — дейди Финк ўз суҳбатида.

### Хитойга шунча Америка қарзи нега керак?

Рақобатбардош экспорт нархларини сақлаб қолиш — Хитой иқтисодий стратегиясининг муҳим омили саналади. Бунга юзанинг валюта сифатидаги қадрини ошириб бориш мақсадида эришилади. Долларнинг қиймати тушиши билан Пекин Америка валютасидаги мавжуд захирасини давлат облигацияларини сотиб олишга сарфлашни бошлайди. Бу маблағларни ҳукумат Хитой компанияларидан қўлга киритса, улар эса экспортга эга бўлади. Трейжерисни харид қилиш долларга бўлган талабни ошириб, унинг обрўйини мустаҳкамлашга олиб келади.

Хитой — Американинг йирик кредиторларидан бири сифатида Вашингтонга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий босим ўтказишга қодир кучли воситага эга бўлади. Пекин бу воситани босиқлик билан ишлата бошлайди ва зарурат туғилганда уларни арзон нархларда сотиб юбориш ва шу орқали АҚШ давлат қарзлари бозорини касодга учратиш орқали таҳдид қилиши мумкин. Агар хитойликлар ушбу таҳдидни ишга солса, америкаликлар долларнинг қадри тушиши ва иқтисодий таъминлаш ҳолатига дуч келиши мумкин.

“Икки томонлама ўрнатилган юқори фоиз ставкалари иқтисодийни тебратиб юбориши ва унинг суллашишига сабаб бўлиши мумкин”, — дейди Американинг PNC Financial Services Group компанияси бош инвестициявий стратеги Жефф Миллс.

Долларга бўлган глобал талаб кескин тушиб кетади. Америка валютасининг қадри пасайиши халқаро бозорларни 2008 йилдаги молиявий инқироздан ҳам кучлироқ таназулга учратиши мумкин. Бозорнинг барча иштирокчилари, ҳатто Хитой иқтисодийи ҳам зарар кўриши мумкин.

Шу боис энг мақбул йўл — Пекин давлат облигацияларини секин-секин ва босқичма-босқич сотишида, деб ҳисобланмоқда. Бироқ Вашингтон учун ҳатто шу йўл ҳам хавф туғдиради.

Deutsche Bank таҳлилчилари қайд этишича, АҚШ давлат қарзларига бўлган талаб мунтазам пасайиб бормоқда. Хорижий Марказий банкларнинг бу қоғозларга бўлган қизиқиши сўнгги тўрт йил ичида анча камайган. Айни пайтда огоҳлантиришда давом этишмоқда: давлат облигацияларига бўлган доимий талабни таъминлаш йўлида ҳозирги фоиз ставкалари жуда паст бўлиб қолмоқда. Уларни шунчаки ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга тўғри келадими йўқми, айнан ушбу масала Оқ уй маъмуриятини ўйлантириши лозимлиги таъкидланмоқда. Шунда яна бир масала номаълумлигича қолмоқда: талаб тобора пасайиб бораётган бир пайтда Америка давлат қарзларининг янги хари-дори кимлар бўлади?

ФИКР

## Кредитлардан самарали фойдаланмасликнинг оқибатлари

**Кредитнинг жамият иқтисодиётида ижобий роллари аксарият ҳолларда самарали фойдаланиш ва меъёрлар орқали ўрганиш натижасида юзага келади. Яъни, кредит маблағларидан самарали фойдаланиш орқали макро даражадаги кўрсаткичларга эришиш мумкин. Бу кўрсаткичлар аслида давлатнинг обрўси ва мавқеини белгилайди.**

Олинган кредитлардан самарали фойдаланиш натижасида иқтисодий барқарорлик, шу жумладан, инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта – сўмнинг тўловга қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатга эришилади, аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошиб, даромадлари ҳам кўпаяди, жаҳон бозорида экспортга мос товарларни ишлаб чиқариш натижасида чет эл валютаси оқимининг кўпайиши таъминланади ҳамда мамлакатда иқтисодий ривожланишга катта

туртки бўлиши билан биргаликда ички бозор тўйинишига эришилади.

Бироқ, мамлакат ривожига кредитнинг шундай салбий оқибатлари ҳам мавжудки, улар аҳоли даромадларига, қолаверса, давлатнинг нуфузига ҳам кескин таъсир қилади.

Қисқа қилиб айтганда, кредит маблағларининг жамият тараққиётида яхши ва ёмон таъсирларининг мавжудлиги бевосита ушбу соҳани ўрганишга ҳамда хатарларини доимий таҳлиллар орқали билиб бориш заруриятини юзага келтирмоқда.

Кредит маблағлари асоссиз равишда кўп берилиши жамиятда пул массаси кўпайишига ҳамда миллий валютанинг қадрсизлишига олиб келиши мумкин. Бу эса юқори инфляция муҳитни шакллантиради. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда аксарият банклар қатъий белгиланган ставкада кредитлашни амалга ошира олмайдилар. Ўз навбатида, корхоналар ҳам, аҳоли ҳам қатъий белгиланган ставкада депозитлар кўйишни хоҳламайдилар.

Бу ҳолатда ўз-ўзидан фоиз rischi юзага келади. Фоиз rischi банклар оладиган даромадлар ҳажмининг қисқаришига ёки депозитлар бўйича тўлайдиган харажатлар суммасининг ортиб кетишига олиб келади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг фойдалилик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Инфляция сиёсий ва иқтисодий

нобарқарорлик шароитида юз бераётган бўлса, унда фоиз ставкаларини олдиндан чамалашнинг умуман иложи бўлмайди. Иқтисодиётда тургунлик билан бир вақтда нарх кутариллиши, яъни инфляция юз бериши стагнация деб аталади. Бу аҳоли турмуш даражасининг пасайишига катта таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин рақобат муҳитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз" деб таъкидлади. Дарҳақиқат, жамиятда керагидан ортиқ имтиёзларнинг берилиши натижасида жамиятда табақаланиш юзага келиши табиийдир. Бундан ташқари, ортиқча имтиёзларнинг берилиши банкларнинг даромадлигига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат ички бозорда яратилган истеъмол товарларида кредитлаш ҳажмининг юқорилиги маҳсулот таннарихига, қолаверса, мавжуд мулкларнинг аксариятини тақиққа

олинишига ҳамда молия бозорида мулкларнинг ҳаракати секинлашишига олиб келади.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини химоя қилишнинг ҳуқуқий механизми ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш жамият тараққиётининг асосидир. Бироқ, кредит механизмининг тўғри қўлланмаслик мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, кредит маблағларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланиш мулкдорлар синфига ҳамда аҳоли даромадларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши тайин.

**Собир ЮНУСОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Ички аудит департаменти  
бош аудитори

## “ARTFAM-INVEST” МЧЖ ломбарди

“ARTFAM-INVEST” МЧЖ ломбардининг 2018 йил учун тайёрланган молиявий ҳисоботи.

Хизматлар лицензияланган. ЎЗР МБ нинг 2013 йил 11 майдаги 20-рақамли лицензияси  
Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

### Баланс

Кўрсаткичлар	Минг сўмда
<b>АКТИВЛАР</b>	
Пул маблағлари ва бошқа турдаги тўлов ҳужжатлари	48 425
Банкда буюртма қилинган депозитлар ва бошқа маблағлар	1 178
Олинадиган фоиз маблағлари	132 384
Кредитлар ( микрокредит, микроқарз, истеъмолчи), брутто	
Кредитлар, соф ҳажмда	1 644 583
Асосий воситалар, соф ҳажмда	1 790
<b>Бошқа активлар</b>	<b>106 710</b>
<b>Жами активлар</b>	<b>1 935 069</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>	
Лизинг бўйича мажбуриятлар	486
Тўланадиган фоиз маблағлари	
Тўланадиган солиқ маблағлари	24 514
Бошқа мажбуриятлар	222 006
Жами мажбуриятлар	247 006
<b>ХУСУСИЙ САРМОЯ</b>	
Устав жамғармаси	500 000
Умумий захира фонди	75 000
Тақсимланмаган фойда	454
Жорий йил фойдаси (зарари)	1 112 610
Жами хусусий сармоя	1 688 064
Жами мажбуриятлар ва хусусий сармоя	1 935 069

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 18 февралдаги 00202-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 17 августдаги 663-сонли гувоҳномасига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Ўқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот ломбардининг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрисида 2019 йил 6 мартдаги № 19-002 рақамли аудиторлик хулосасида бор.



Хизматлар лицензияланган.

### Фойда ва зарарлар

КўРСАТКИЧЛАР	Минг сўмда
<b>1. ФОИЗ ДАРОМАДЛАРИ</b>	
Банклар ҳисобрақамлари бўйича фоиз даромадлари	0
Жисмоний шахсларга тақдим этилган микрокредитлар бўйича фоиз даромадлари	2 317 743
Жами фоиз даромадлари	2 317 743
<b>2. ФОИЗ ХАРАЖАТЛАРИ</b>	
Жалб этилган қарз маблағлари бўйича фоиз харажатлари	7 003
Лизинг (микролизинг) бўйича фоиз харажатлари	82
Бошқа фоиз харажатлари	7 085
<b>3. ЭҲТИМОЛИЙ ЗАРАРЛАР БҮЙИЧА ЗАХИРАГА ҚАДАР ОЛИНГАН СОФ ФОИЗ ДАРОМАДИ</b>	<b>2 310 658</b>
Кредитлар бўйича кутилган зарарларни баҳолашдан сўнг соф фоиз даромади	2 310 658
<b>4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР</b>	
Хизмат кўрсатиш ва воситачилиқдан олинган даромадлар	0
Бошқа фоизсиз даромадлар	669 499
Жами фоизсиз фойда	669 499
<b>5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР</b>	
Хизмат кўрсатиш ва воситачилиқ харажатлари	51 038
Бошқа фоизсиз харажатлар	7 288
Жами фоизсиз харажатлар	58 326
<b>6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГА ҚАДАР ОЛИНГАН СОФ ФОЙДА</b>	<b>2 921 831</b>
<b>7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР</b>	
Ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлари	59 205
Ижара ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари	473 174
Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	9 665
Маъмурий харажатлар	22 038
Тақдим ва хайрия учун ажратилган маблағлар	6 095
Эскириш харажатлари	316
Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	4 983
Жами операцион харажатлар	575 475
<b>8. ЭҲТИМОЛИЙ НОКРЕДИТ ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ</b>	<b>0</b>
<b>9. СОЛИҚ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАР Тўлангунга қадар соф фойда</b>	<b>2 346 356</b>
<b>10. ФОЙДА СОЛИГИ</b>	
Фойда солиғини баҳолаш	328 745
<b>11. ТУЗАТИШЛАРГА ҚАДАР ОЛИНГАН ФОЙДА</b>	<b>2 017 610</b>
Фойдага қадар киритилган тузатишлар	0
<b>12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР)</b>	<b>2 017 610</b>

МАРКАЗИЙ БАНК 2018 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЈАСИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

## Товарлар экспорти ҳажми 2017 йилга нисбатан 12% ошди



2018 йил натижаларига кўра товарлар савдоси бўйича ташқи савдо айланмаси, олтин савдоси ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, 29,6 млрд. долларни ташкил қилди. Экспорт ва импорт мос равишда 11,4 млрд. доллар ва 18,3 млрд. долларни ташкил қилди. Наतिжада тўлов балансининг салбий сальдоси 6,9 млрд. долларни ташкил қилди.

Товарлар экспорти ҳажми 2017 йилга нисбатан 12% ошди. Олтин қийматининг ошиши (жами экспорт ҳажмининг 25,5%) унинг ўртача йиллик нархининг ўсиши эвазига содир бўлган. Нефть газ маҳсулотларининг экспорт ҳажми, ҳисобланган ўртача нархлари 2017 йилга нисбатан 35,5%га, етказиб бериш ҳажми 45,3%га ошганлиги эвазига деярли икки баробарга ошди.

Товарлар экспортининг чораклик ўсиш суръати (олтин экспортини ҳисобга олмаган ҳолда) 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан кўпроқ бўлди, йилнинг иккинчи ярмида эса ўсиш мақбул суръатда давом этди. Товарлар импорти 2017 йилга нисбатан 47,5% га ўсди. Бунда барча чораклардаги импортнинг ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан икки баробардан кўп бўлди.

2016 – 2018 йиллар мобайнида экспорт жами ҳажмининг деярли 80%и беш мамлакат


ҳиссасига тўғри келди, ундан 30-35%и Швейцарияга (олтин).

Хом ашё товарлари экспорти (олтин ва газ) экспортнинг 60-70%гача ташкил қилади. Бунда газ экспортининг асосий улуши Хитой, Россия ва Қўзғистонга тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, товар импорти бўйича бир қатор товар гуруҳларида ўсиш кузатилди. Шу жумладан "шиналар, ускуналар, механизмлар" – 6,2 млрд. долларни (2017 йилда 3,7 млрд доллар), "қимматбаҳо бўлмаган металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар" – 2,4 млрд. долларни (2017 йилда 1,7 млрд. долларни), "қуруқликдаги, сувдаги ва ҳаводаги транспорт воситалари" – 2,6 млрд. долларни (2017 йилда 1,3 млрд. долларни) ташкил қилди. Ушбу товар гуруҳлари жами импорт ҳажмининг 59% ни ташкил қилди (2017 йилда 52%).

Шунингдек, Россия ва Хитойдан импорт қилинадиган товарларнинг ҳажми мутаносиб равишда 36%га ва 30%га ошган, аммо уларнинг умумий ҳисобдаги улуши камайиб, Россиянинг улуши 18,1%ни (2017 – йилда 19,5%ни), Хитойнинг улуши 19,9%ни (2017 – йилда 22,4% ни) ташкил қилди. Ушбу камайиш бошқа мамлакатларнинг импортдаги улуши ортиши билан боғлиқ. Хусусан, Япония улуши 0,9%дан 4,4%гача, Корея Республикасининг улуши эса 9,7%дан 11,2%гача ошди.

## Ўзбекистоннинг ташқи қарзи қанча?



Унда қайд этилишича, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини ҳисобга олган ҳолда 2018 йил учун жорий операциялар ҳисоби дефицити ЯИМнинг 7% ни ташкил қилган.

Жорий операциялар ҳисобининг дефицити молия ҳисоби бўйича капитал оқими, хусусан ташқи қарздорликни ошиши, иқтисодий кредитлаш ҳажми ортиши ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилган.

Соф ташқи қарздорлик 2017 йилга нисбатан икки баробарга ёки 2,1 млрд. АҚШ долларига ўсди. Шу билан бирга, ташқи қарзни жалб қилиш асосан давлат сектори томонидан амалга оширилган. Бунда хусусий сектор қарздорлиги бўйича мажбурий-ятларни тўланиши янги қарз жалб қилиш ҳажмидан кўпроқ бўлди.

2018 йилда иқтисодий кредитлаш 51% га ўсди. Иқтисодий фаол кредитлаш реал сектор ва капитал қурилиш соҳаси учун зарур бўлган импорт товарларига бўлган талабнинг ошишига олиб келган.

Хорижий инвестициянинг ялпи ҳажми асосан нефть ва газ секторига бўлган инвестицияларнинг камайиши эвазига 1,8 млрд. долларни ташкил қилди. 2017 йилда бу кўрсаткич 2,6 млрд. долларни ташкил этган эди. Шунингдек, 2018 йилда инвестициялар бўйича тўловлар, асосан нефть-газ секторига мансуб корхоналар тўловларининг ортиши ҳисобига 1,2 млрд. долларга тенг бўлди. Шу билан бирга, хорижий инвесторлар томонидан реинвестиция қилинган даромадлар миқдори 46%га ўсиб, 693 млн. долларни ташкил қилди.

Резерв активлари бўйича операциялар 1,5 млрд. долларни ташкил қилди, шу билан бирга олтин нархи ўзгаришининг ижобий динамикаси эвазига олтин-валюта захира-

сининг ҳажми сезиларли ўзгаришсиз қолган.

Реал эффефектив айирбошлаш курси 2018 йил мобайнида ўсиб борувчи динамикани намоиш этди. Шу билан бирга, сўм курсининг 2018 йил мобайнидаги турли йўналишдаги динамикаси иқтисодий ислохотларнинг тўлов балансига бўлган таъсирини юмшатишга хизмат қилди.

Умумий ташқи қарз таҳлили шуни кўрсатдики, 2012-2015 йиллар давомида қарздорликнинг ўсиши ҳам давлат, ҳам хусусий секторларда кузатилган. Аммо, 2016 йилдан бошлаб, хусусий сектор томонидан қарзларнинг сўндирилиши уларнинг жалб қилинишидан устунлик қилган ва баҳрлашларга кўра бу динамика 2019 йил охирига қадар давом этади.

2018 йилда давлат сектори ташқи қарзларининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан ошгани кузатилиб, мавжуд маълумотлар асосида ўсиш суръатининг жорий тенденцияси келаси йилда ҳам сақланиб қолиши кутиляпти. Бу ҳолат давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун жалб қилинаётган янги қарздорликлар билан тушунтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзининг умумий ҳажми 2018 йил бошидан 9,5%га ёки 1,5 млрд. долларга ошган ҳолда 2019 йил 1 январь ҳолатига 17,3 млрд. долларни ташкил қилди.

Эслашиб ўтамиз, ушбу нашрда 2016-2018 йиллар учун тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, шунингдек, ташқи қарз бўйича маълумотлар баён этилади. Мазкур маълумотлар тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6. ХВЖ, 2009 й) ва халқаро валюта жамғармасининг ташқи сектор статистикасини тузиш юзасидан берилган таъсирага мувофиқ тайёрланган.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 2 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

- 1 АҚШ доллари 8419,62
- 1 ЕВРО 9444,29
- 1 Россия рубли 128,14
- 1 Англия фунт стерлинги 10971,61
- 1 Япония иенаси 75,96
- 1 Жанубий Корея вони 7,41
- 1 Кувайт динари 27725,30
- 1 Малайзия ринггити 2063,63
- 1 Хитой юани 1254,56
- 1 Сингапур доллари 6211,45



- 1 Швейцария франки 8460,23
- 1 БАА дирҳами 2292,43
- 1 Миср фунти 487,25
- 1 Австралия доллари 5972,88
- 1 Туркия лираси 1519,65
- 1 СДР 11688,54
- 1 Канада доллари 6309,67
- 1 Украина гривнаси 308,41
- 1 Польша злотийси 2194,38

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

(млрд. долл.) Умумий ташқи қарзининг тузилмаси ва ўзгариши

Иқтисодий сектори	Қуйидаги савалар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2018 йил учун ўзгариш
	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.		
Жами	14 623,6	15 785,9	17 295,0	100%	1 509,1
Давлат ташқи қарзи	6 474,9	7 600,0	10 086,4	58%	2 486,4
Хусусий ташқи қарз	8 148,7	8 185,9	7 208,6	42%	-977,3
Бош қолмачликларидан	1 377,1	1 304,9	887,77	10%	-617,1
Хусусий ташқи қарздаги секторларнинг улушлари					
Нефть, газ ва энергетика сектори	6 097,0	6 149,7	5 386,5	75%	-763,2
Телекоммуникация сектори	1 152,8	965,6	248,2	3%	-717,4
Банк сектори	450,2	584,0	978,2	14%	394,2
Тўқимачилик сектори	112,4	126,0	132,2	2%	6,2
Бошқа секторлар	336,4	360,6	463,4	6%	102,8

## ХАЗИЛ ШЕЪР

ҲАЛИМЖОН ВА  
ХАДИЧА

## Ҳалимжоннинг шеъри

Хадичахон атлас кийиб куйдиради,  
Билакдаги соатини чақиллатиб.  
Рақс тушиб суймагани суйдиради,  
Ишва билан бармоғини шакиллатиб.

Парво қилмас мен ошиғи-ташнасига,  
Ивго қилар дугонаси-ошнасига.  
Темир қоқиб туфлиснинг пошнасига,  
Юрар доим тош кўчани тақиллатиб.

Сой бўйида ширин хаёл суради у,  
Оймомодек гўё порлаб туради у.  
Яқинлашсам лабларини буради у,  
Оғзидagi сақичини пақиллатиб.

Кетиб қолсам, ақлидан ҳам озса керак,  
Мени узилаб роса хатлар ёзса керак.  
Суратини юзларига босса керак,  
Йўқ, кетмайман севгилими лақиллатиб.

## Хадичахоннинг шеъри

Сой бўйида болалигим  
Қолиб кетган кўмилиб,  
Ҳалим билан уялмасдан...  
Юрар эдим чўмилиб.

Ҳалим ҳозир катта йигит,  
Қаролмайман кўзига,  
Қурмағурни мўйловиям,  
Ярашади ўзига.

“Ҳа, Ғадича” дейди доим,  
Оғзига нос отволиб,  
Шу гапини эшитганда,  
Кулгим келар ётволиб.

Оппоқ куйлак кийиб юрар,  
Шимларига мос қилиб,  
У гапирса қовғимини,  
Сольволаман ноз қилиб.

Аҳду паймон

## Ҳалимжон:

Қоши ҳилоласанми,  
Юзи гуллоласанми?  
Олма отсам мен сенга  
Айт-чи илоласанми?

## Хадича:

Ҳалим олма отар деб,  
Мен қараб тураманми?!  
Курт кемирган олмангни,  
Бошимга урамани.

## Ҳалимжон:

Ундай дема, жонгинам,  
Сени дилдан суйганман,  
Энг сара олмаларни,  
Тўйга асраб қуйганман.

## Хадича:

Тўйдан умидинг бўлса,  
Харакат қил, лапашанг!  
Гапга чечан совчини  
Жўнатсан-да “папашанг”.

## Ҳалимжон:

Фатада келар бўлсанг,  
Келин бўлиб қошимга!  
Бир умрга мен сени,  
Кутараман бошимга.

## Хадича:

Бўпти-да, эркакмасан-  
Шу гапиндан ваз кечсанг,  
Тўйдан кейин... Кечкурун-  
Гаплашмайман нос чексанг!

Шум бола

## ҲАДЖВИЯ

АРСЛОН ИЗИДАН,  
ЙИГИТ СЎЗИДАН...

Эй оғажон, шу қурилиш ташкилоти ёпилди-ю,  
қишлоғимиздаги кўп йигитлар қатори беиш  
қолдим. Бошқаларга ўхшаб олиш шахарларга  
ишлагани борай десам, кексайиб қолган чол-  
кампиру, бола-чақани кўзим қиймайди. Қишлоқда  
қиш – бекорчилик, рўзгорни эса боқиб керак.  
Йигитдан бир омад кетса, менга ўхшаб ҳамма  
йўллари бирдан тақа-тақ беркилар экан. Бу ёғини  
сўрасангиз, қўлимдан келмайдиган ҳунарнинг  
ўзи йўқ. Устачилик дейсизми, ошпазликми, сар-  
тарошликми, бари биздан қолган ишлар.

Охири пулсизлик азбаройи жонимдан ўтганидан,  
феъли тажанг қайин-отамнинг олдига бордим. Бу ки-  
шим ишни кўзини биладиган ўта пухта одам. Шундоқ  
гузарнинг бошида данғиллама иморат кўтарган. Шу  
уйнинг ёнбошидан бир чоққина дўконча (сартарош-  
хона) тиклаб олишим учун бир парча ерни қадамлаб  
ўлчаб берди.

Қорли-қировли кунларда сойдан тош ташиб,  
қурилишни бошладим. Ҳа деган туяга мадор.  
Шундай қийналиб турган пайтимда яқин жўрам  
Тўрабекнинг ёрдами жонимга оро кирди. Икковла-  
шиб, қалдирғочнинг инидай шу дўкончани уч кун де-  
ганда тикка қилиб, бўлтак-сўлтак шифир билан усти-  
ни ёпдик. Икки жўра гангур-гунгур дўкон ичини лой  
билан суваб, печка ёқиб қуритдик. Сунг бир тоғорача  
оҳак топиб, созлаб оқладик. Эски тош ойнани де-  
ворга илиб, ўртага битта усталчани қўндирган эдик,  
бинойидек сартарошхона бўлди-қолди.

Ниҳоят, кечга томон ишларимизни битказиб,  
жўрамни уйга бошладим. Ичкарига кирганимиз  
ҳамони келинингиз олдимизга дастурхон ёзиб, да-  
мини олиб турган тайёр ошини сузиб келди. Мехрим  
жўшиб, тахмонни орасида анчадан бери ётган бўйни  
узун ишшани ҳам ўртага қўйиб, майдаладим. Хул-

лас, маза қилиб, ошхўрлик қилдик. Гурунгимиз ҳам  
қизигандан-қизиди. Гап орасида.

– Эй жўражон, ҳали кўрасан ишларим бир юри-  
шиб кетсин. Сени бу яхшилигингни сира эсимдан  
чиқармайман, – дедим.

– Ошна, ишқилиб дўконингга келганимдан навбат  
кутиб ўтирмайманми? – деди Тўрабек.

– Э-э навбатинг нимаси, жўра. Ўлгунингча сочинг-  
ни текинга оламан, – деб юборибман.

Кўрга кўрсата қоч, деганлари шу бўлса ке-  
рак. Шундан бери бу укағарнинг жўрасидан ҳеч  
қутилмайман-да. Ҳар ойнинг биринчи кунни юмалоқ  
калласини қиртишлатиш учун дўкончамда ҳозир  
нозир. Тўғри, аввал бошида кўнгилланиб, сочини  
олиб юрдим. Қарасам, бу говзанбур, мазахўракка  
жуда ўрганиб қолди-да. Энг ёмони буни навбат-  
сиз ўтказганимга кутиб ўтирган мижозларимнинг  
фигони фалакка чиқшини айтмайсизми?! Нимаям  
қилардим, йигитнинг лавзи ҳалол.

Мана бугун ҳам ишни белига тепиб, эрталабдан  
пешонамга келиб турибди, зангар.

– Ҳа, жўра, қишлоқдаги ёшув-қарининг бўйига  
устарангни тираб, бошини пойингга эгиб маза қилиб  
юрибсанми? Мен ҳам келдим, ваъданг эсингдами,  
қани, бир соч-соқолни қиртишлаб қўйчи, – дейди.

– Э зовдан учиб ўлгур. Мен сени оёғингни зўрга  
судраб юрганингни қараб, бу бола бир-икки йилга  
бормаса керак деб, шу ваъдани берган эдим. Мана,  
йигирма йилдан ошди. Қачон ўласан энди, номард, –  
дейман, ҳазил аралаш.

Атрофдан гурра кулгу кўтарилди.

– Бобом раҳматлини 104 дөб кўтарган эдик.  
Отамни биласан, 80 дан ўтса ҳам ҳали анча тетик.  
Сен мўлжални шунга қараб олавер, – дейди жўрам.  
Атрофда яна кулгу.

– Ҳе сен билан жўра бўлганни, ўтир тез. Одам-  
лар кутиб туришибди. Лекин аввалдан айтиб қўйиб,  
мен сени сочингга ваъда берганман сақолга ҳамма  
қатори пул тўлайсан...

Алишер Азимов

ДИҚҚАТ,  
ТАНЛОВ!!!

Адабиётнинг ўз жозибаси,  
сеҳри, оҳанрабои бор.  
Унга асир бўлмаган қалб  
топилмаса керак.

Барча соҳада бўлганидек  
банк ходимлари орасида  
ҳам умид билан ўзларини  
ижодда синаб юрган хо-  
димлар кўплаб топилади.  
Биз ана шундай ижодкор-  
ларнинг машқларини “Му-  
толаа” саҳифасида ёритиб  
боришни ва шу асосда тан-  
лов ўтказишни режалаш-  
тирдик. Фолиб деб топи-  
ланлар йил охирида махсус  
мукофот ва совғалар билан  
тақдирланади.

Танловда иштирок  
этишни хоҳлаганлар  
ўз ижод намуналарини  
қуйидаги  
bankaxborotnomasi@mail.ru  
электрон почтаси ҳамда  
@bank\_axborotnomasi  
телеграм канали  
маъмурига жўнатишлари  
мумкин.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,  
“БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ”  
ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетлага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа  
муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг рас-  
мий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани  
тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот  
тарқатувчи” агентлигининг худудий бўлимлари  
орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан  
шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обу-  
нани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз  
вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Хоразм вилояти  
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)  
Андижон вилояти  
“SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
Бухоро вилояти  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Жиззах вилояти  
“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (97-358-57-57)  
Қашқадарё вилояти  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)  
Наманган вилояти  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (99-603-03-68)  
“SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
Фарғона вилояти  
“SAYYOR 2017” МЧЖ – (91-112-01-00)  
“Matbuot Servis” МЧЖ – (90-532-93-39)  
Сирдарё вилояти  
“Matbuotchi” МЧЖ – (91-621-95-91)  
Сурхондарё вилояти  
“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти  
“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)  
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)  
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)  
“SHA-GAY PRESS SERVIS” МЧЖ – (91-177-72-02)

Азиз муштарылар!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил  
маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш  
мумкинлигини унутманг!

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲДИЛИЙ ГАЗЕТА

## ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР  
Ўктам АБДУЛЛАЕВНАШР УЧУН МАСЪУЛ  
Бобур МУҲАММАДИЕВРеклама ва маркетинг хизмати  
Тел: 99897 776 60 18  
71 232 45 32  
Факс: 71 232 43 98  
Нашр индекси-102.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ахборот кўмаги  
ЎЗА

## Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси,  
23-уй e-mail: [bankaxborotnomasi@mail.ru](mailto:bankaxborotnomasi@mail.ru),  
[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) телеграм каналимиз  
@bank\_axborotnomasiЧоп этишга тайёрловчи “Moliya yangiliklari  
agentligi” МЧЖ Газета тахририятнинг техник уску-  
наларига саҳифаланди.Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк  
ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни  
кўчириб босишга ижозат берилди. Кўлэзмалар тақриз  
қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил  
10 январда 0065-тартиб рақами билан руйхатга олинган.  
Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунни чиқади.Бюроетма № г 403  
Адади 2043 нусха  
Нархи шартнома асосида.  
Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 03.04.2019 й.,  
1 2 3 4 5 6